TRITICUM L. ТУРКУМИ ВАКИЛЛАРИНИ МОРФО-БИОЛОГИК ЎРГАНИШ

А.А.Имирсинова, Г.З.Эрматова, С.С.Ибрагимова, М.Ғ.Неъматова

Мақолада Triticum L. туркуми баъзи турларининг морфологияси, гуллаш биологияси ва биоэкологик хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотлари асосида туркум турларининг морфо-биологик хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Poaceae L. оиласи, Triticum L. туркуми, Triticum aestivum L., морфология, гуллаш биологияси, биоэкологик хусусиятлар.*

В статье приводятся данные по морфологии, биологии цветения и биоэкологическим особенностям некоторых видов рода Triticum L. Биолого-морфологические свойства проанализированы на основе научной литературы.

Ключевые слова: *семейство Poaceae L., род Triticum L., Triticum aestivum L., морфология, биология цветения, биоэкологические особенности.*

The article contains some important information dealing with morphology, blossoming biologyand bio-ecological properties of some types of species belonging to Triticum L class. On the basis of existing references the author tries to analyze the morpho-biological peculiarities of this class comparatively.

Key words: *family Poaceae L., genus Triticum L., Triticum aestivum L., morphology, biology of blossoming, bio-ecological features.*

Ўзбекистон флорасини таҳлил қилганимизда, *Poaceae* L. оиласининг маданий ҳамда ёввойи турлари ўзининг жуда хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туришини кўриш мумкин. Бу эса уларнинг минтақа қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида муҳим ўрин эгаллашини билдиради. Ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари орасида ушбу оила вакилларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Республикамиз суғориладиган ерларининг турли даражада шўрланганлиги, қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган даврда ноёб ва истиқболли ўсимликларни излаб топиш, уларнинг биоэкологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, муайян тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш (интродукция қилиш) ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бугунги кунниг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ушбу оила вакилларини *Triticum* L. туркуми мисолида биоэкологик жиҳатдан қай даражада ўрганилганини адабиётлар асосида таҳлил қилиб кўрдик.

Triticum L. туркуми турлари биринчи маротаба К.Линней томонидан системага солинган бўлиб, у баҳорги буғдой – *Triticum aestivum* L., кузги буғдой – *Triticum gyberum* L., Англия буғдойи – *Triticum turgidum* L., спельта буғдойи – *Triticum spelta* L., бир донли – *Triticum monococcum* L. ва поляк буғдойи – *Triticum polonicum* L. каби турларга бўлиб ўрганган [1].

Triticum туркумини системага солиш бўйича жуда кўп қарашлар мавжуд бўлиб, жумладан, “Флора Узбекистана” асарида Ўзбекистон ҳудудида бу туркумнинг 4 та тури учраши тўғрисида маълумотлар бор [12].

Ўзбекистон ҳудудида буғдой туркумини ўрганиш бўйича С.Н.Кудряшев [2], Н.В.Покровский [6] ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин.

Жаҳон миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда буғдойнинг *T. aestivum* L. ва *T. durum* L. турига мансуб навлари кўплаб экилади. Бошқа буғдой турлари селекция ва генетика ишларида қўлланади.

М.М.Якубцинер ва бошқаларнинг [15] маълумоти бўйича *Triticum* L. туркумининг 28 та тури мавжуд. Улар тўртта генетик гуруҳга бўлинади: диплоид, тетраплоид, гексаплоид ва октоплоид турлар.

Буғдойнинг гуллаш жараёнини ўрганишга киришилганига қарийб юз йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу борадаги ишлар, асосан, гуллаш мароми, ўзига хос характери ва давомийлигини ўрганишга қаратилди. Ҳозирги вақтда буғдойнинг гуллаши қуйидаги уч типга бўлиб ўрганилади: хазмогам, ярим очиқ ва клейстогам ҳолдаги гуллаш.

Гуллаш типи турлар орасида, ҳаттоки бир тур ичидаги навлар орасида, навларнинг бошоқ ва бошоқчалари ичида ҳам фарқланиши В.Р.Челакнинг [13] тадқиқотларида ўрганилган.

Қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг бир қанча навларининг гуллаш типига, суткалик гуллаш маромига иқлим шароитининг таъсирини ўрганиш бўйича қилинган ишлар кўпчиликни ташкил этади.

Буғдойнинг бир неча турларида бошоқчадаги гулларнинг гуллашини кузатиш натижасида шу нарса аниқ бўлдики, бошоқчадаги иккинчи ва учинчи гулларнинг хазмогам гуллашидан биринчи гулларидаги хазмогамия кўпроқ бўлади. Демак, биргина бо-

шоқчанинг ўзида ҳам хазмогам, ҳам ярим очиқ, ҳам клейстогам ҳолдаги гуллашни кузатиш мумкин [13].

Бошоқли экинлар ёки бошоқдошлар оиласининг гуллаши ва чангланиши бўйича А.Н.Пономаревнинг бир қанча ишларини кўрсатиш мумкин [7]. У шахсий кузатувлари ҳамда адабиёт маълумотларига таяниб, бошоқдошлар оиласининг суткалик гуллаш маромини қуйидаги гуруҳларга ажратади: эрталаб гулловчи бошоқдошлар; сутка давомида икки марта (эрталаб ва кечқурун) гулловчи; тунги бошоқдошлар; сутка давомида гулловчи бошоқдошлар; кун ўртасида ва кун ярмидан кейин гулловчи бошоқдошлар.

Юмшоқ ва қаттиқ буғдой навларини турли экологик шароитларда экиш орқали ўрганиш натижаси кўрсатишича, гуллаш об-ҳаво шароитига қараб сакраш йўли билан куннинг ёруғ вақтларида аниқ бир маромда бормайди.

Буғдой ўсимлигида мавсумий гуллаш мароми ҳақида В.Р.Челак [13] ва бошқа олимларнинг изланишлари асосида шундай хулосага келамиз: иқлим шароити ва навнинг генотипик тузилиши бошоқнинг гуллаш давомийлигига таъсир қилади ҳамда у 4 кундан 8 кунгача давом этади. Агарда баҳор фаслида ҳаво ҳарорати иссиқ ва қуруқ бўлса, гуллаш даври қисқаради, ҳаво ҳарорати паст ва намлик юқори бўлса, аксинча, узаяди.

Бошоқдошлар тўпгули ва гулининг морфологияси, ривожланиши анчагина чуқур ўрганилган [3,11].

Ҳар хил турдаги буғдой бошоғининг морфогенезини дастлабки ўрганишлар бошоқнинг ривожланишига ҳосил тугиш жараёни сезиларли таъсир этмаслигини кўрсатди. Юмшоқ ва қаттиқ буғдой навлари бошоқларининг ривожланиш жараёни айнан бир хил бўлади.

Бошоқнинг ривожланишига ҳаво ҳароратининг пастлиги ёки ортиб кетиши, гармсел шамоллари ва бошқа шу каби омиллар салбий таъсир кўрсатишини жуда кўп олимлар эътироф этадилар. Буғдой меваси, уруғининг морфологияси, анатомияси ва униб чиқиши борасида Н.Л.Удольская [10], В.А.Черный [14], Ф.М.Куперман [4] ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Уруғ экилаётган экологик муҳит, албатта, ҳосил тақдирига таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда ўсимликлар экологияси, жумладан, бошоқдошларда уруғ экологияси бўйича кўп изланишлар олиб борилмоқда [8,9,16].

И.Г.Сторона [9] шу нарсага эътиборни қаратдики, уруғнинг шаклланиш жараёнига метеорологик шароит ва уруғ экилган жойнинг географик ва иқлим шароитининг таъсири ижобий бўлса, юқори сифатли уруғ олиш мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган адабиётлардаги илмий хулосалар ва шахсий кузатувларимиз асосида айтиш мумкинки, туркум турлари биологик хусусиятларининг ўзгаришига иқлим шароитининг таъсирини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Кобелев В.К. Пшеницы Афганистана. // Труд по прикладной ботанике, генетике и селекции. Т.19. Вып. 1. - Л.,1928. – С. 40.
2. Кудряшев С.Н. Пшеницы Узбекистана.-Т.: УзФАН. 1942. – 80 с.
3. Куперман Ф.М. Биологические основы культуры пшеницы.– М.: 1950.
4. Куперман Ф.М. и др. Биология развития культурных растений. – М., 1982.
5. Навроцкий Е.А. К изучению пшениц Ферганской области. // Известия Андижанской сельскохозяйственной опытной станции. Вып.1. 115. – С. 189.
6. Покровский Н.В. К вопросу о биологически озимых сортах пшеницы на богаре Узбекистана. // Бюлл. науч.-техн. инф. Милютинской ГСС, Самарканд.- 1957.- №2. – С.50-70
7. Пономарев А.Н. Цветение и опыление злаков. // Уч. зап. Перм. ун-та им. А.М. Горького. Вып. 114.- 1964.– С. 115 - 179.
8. Сечняк Л.К. и др. Экология семян пшеницы. –М.: Колос. 1982.
9. Строна И.Г., Макрушин Н.М. Экология семян, ее семеноводческое значение и перспективы дальнейших исследований. // Селекция и семеноводство. Вып. 39. Киев. 1978. – С. 79-85.
10. Удольская Н.Л. Засухоустойчивость сортов яровой пшеницы. – Одесса, 1936.
11. Филипченко Ю.А. Генетика мягких пшениц. –М.: Наука.1979.
12. Флора Узбекистана. - Т.: АН СССР. Узб. Филиал. Т. 1. 1941. – С. 298-299.
13. Челак В.Р. Система размножения пшеницы Triticum L. – Киев, Штиинца. 1991. – С. 10-11.
14. Черный В.А. Биологические особенности яровой пшеницы и возделывание ее в условиях севера.– М.: 1950.
15. Якубцинер М.М. и др. Классификатор рода Triticum L.– Л.: 1977. – С. 46-80.
16. Loomis P.S. and Amtthor J.S. Limirs to yield Revisited increasing yield potentional in wheat: Breking the Barriers march. 1996. – P. 76-89.

Андижон давлат университет,
2014 йил 6 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ғ.Жўрақулов)